

Н. С. ХРУШЧЕВ ГВИНЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ХУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

ЯТА, 19 август. (ТАСС). Бугун СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев Гвинея Республикаси Миллат мажлисининг раиси, Гвинея Демократик партияси Сийёсий бюросининг аъзоси ва сийёсий секретари Сайфулла Диалла (деlegation бошлиғи), Жамоат ишлари министри Исмаил Тўра ва ҳукумат бош секретари Жон Фарг-Туанкарлардан иборат Гвинея Республикаси ҳукумат делегациясини қабул қилди.

Н. С. Хрушчев билан Гвинея ҳукумат делегациясини ўртасида суҳбат бўлиди. Суҳбат дўстона, самимий ва вазиятда ўтди. Суҳбат охирида Н. С. Хрушчев президент Сек Тўрага, Гвинея Республикасининг ҳукумати ва халқига қизгин сазов тошпирди ҳамда уларнинг муваффақиятини мустақилликни мусу...

3 минг гектар ердаги пахта тани машинада терамиз!

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Механик-ҳайдовчилар танлабди, уларнинг ҳар бирига пахта терим машиналари биркичи қўйилди. Ҳайдовчилар махсус аттестациядан ўтказилиб, район партия комитети бошчилигида тайёрлагани текшириб чиқиб ва маълум бўлган камчиликлари дарҳол тугатиш.

Тайёрлаб турадиган, уларни самолётга ортадан хозимлари ташлаш ва ўқитиш.

1 ноябргача бажаришни мўлжаллайми. Машина терими пиланини 7 ноябргача ва барча пахта ҳосилини 20 ноябрга қалар йиғиб-териб, давлатта пахта топпирини мазасидан олган мажбуриятининг 20 ноябргача бажариш, 10 декабрга қолмай, ҳамма майлонларда шугораланини тугатилди.

ГВИНЕЯ ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИ МОСКВАДА

Москвада меҳмон бўлиб турган Гвинея парламент делегациясини 19 август артадан СССР Олий Советида бўлиди. Делегацияни Иттифоқ Совети раисининг ўринбосари Н. П. Бажан қабул қилди. У Гвинеядан келган меҳмонларни самимий таъриқлади.

СССР Олий Совети депутатлари К. А. Губин ва Б. Г. Гафуров иштирок этган дўстона суҳбат вақтида делегация аъзолари СССР давлат тугилиши билан, СССР Олий Советининг иккала палатасига — Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советига сайлов тартиби билан таништирилди.

Грек ёзувчиси Костас Варналисга Халқаро Ленин мукофоти топширилди

19 августда Кремляниг Свердлов азияда грек ёзувчиси Костас Варналисга «Халқлар ўртасида тирикликни мустақамлаш учун» Халқаро Ленин мукофоти тантанали вазиятда топширилди.

Суҳбатдан кейин меҳмонлар Кремлдаги диққатга сазовор жойлар ва тарихий ёдгорликларни тамоша қилдилар. В. И. Лениннинг иш кабинетиди ва квартирасида, Оружейная палатада бўлидилар. Улар В. И. Ленин ва И. В. Сталин мавзею-лейбини зиёрат қилдилар. (ТАСС).

Тайёрлов пунктнинг намунали иши

Чирчиқ меҳнаткашларининг сабабот, картошка ва мева маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириб мақсадлида «Эбобирлану»нинг Чирчиқ шаҳар Троник посёбикасига жойлашган мева, картошка ва сабабот тайёрлов пункти қатор тadbирларнинг амалга оширишда. Бу йирик пункт ҳар йили атрофдаги қошқоқлардан сабабот маҳсулотлари ва мева келтириб шаҳар савдо тармоқлари орқали меҳнаткашларга сотади.


Социалистик Чирчиқ норхоналарида

МАШИНОСОЗЛАРГА БАЙРОҚ ТОПШИРИЛДИ

«Чирчиқсельмаш» заводининг коллективий меҳнатда юксак натижаларни қўлга киритаётир. Етти ойлик пилан муддатидан анча илгари бажарилиб, қўшимча равишда 8 миллион сўмликдан зиёроқ узеллар, запас қисмлар, электроз ва пилат қўйилмалари ишлаб чиқарилиди.

Корхонамизга марҳамат қилинг

Пехта қиришини билан ўнг томондаги токарлик станогини бошқариб турган, ёш бўлса ҳам энчи ва чақдон ҳаракат қилаётган оқсарик, ўрта бўйли бир қизга қўзини тугатишди. Бу, заводимида яқиндагина келган Рая Терентьева зўр гайрат мактабни битиргач, техника бўлма юртига ўқиниши кирди. Билим юрти муваффақиятли тугатиб, токарлик ҳунарини эгаллагач, ҳеч иккиланмай заводимида келиб, ишлаб бошлади.



«Социализм» совхозининг 3-бўлим ишчилари пахта тани машинада теримга пахта тайёрлаган кўрмоқдалар. Бўлимдаги мажбур 9 та СХМ-48 пахта терим машинасини ремонтдан чиқаришди. Суратда: сўниги агрегатлар ремонт қилинмоқда. М. Шевелов фотоси.

ВЦСПС ПРЕЗИДИУМИДА

Касаба союз кутубхоналарининг ишини яхшилаш тўғрисида

ВЦСПС Президиуми касаба союз ташкилотлари кутубхоналарининг ишининг аҳоли ва уларнинг ишини яхшилаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди ва тегишли қарор қабул этди. Қарорда бундай дейилади: Ҳозирги вақтда касаба союз ташкилотларининг 26 минг оммавий кутубхонаси ва 72 минг кўма кутубхонаси бўлиб, буларда 155 миллион том китоб бор. Касаба союз ташкилотларининг кутубхоналарини янги китоблар билан таъминлаш учун ҳар йили 75—80 миллион сўм маблағ сарф қилинмоқда.

Ташкилотнинг сўз пропаганда қилинаётганлиги, китобхоналарининг жалб этиш соҳасидаги оммавий ишларнинг қончилиги олиб борилаётганини асосий камчиликлардандир. Базини ўринбосари А. А. Семеновнинг «Коммунистик меҳнат бригадалари» — янги техника учун актив курашчилар, «Водяная коммуна» газетаси редакторининг ўринбосари В. К. Шчербаковнинг «Саноат қорхоналари, қурилмалар ва темир йўли транспортдаги ишчи мухбирларнинг рейслари ва постлари» ва бошқа темаларда докладлар тингилди.

Алмашлаб экиш — мўл ҳосил гарови

Тошкент область Гўлистан райониди қўшни «Октябрь» ва «Ленинизм» қолхозлари мисолда алмашлаб экишни жорий қилишининг қишлоқ муҳим эканлигини яққол кўриш мумкин. «Октябрь» қолхозини алмашлаб экиш анча вақтдан буён қўйилган келмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Республика Министрлар Совети хўжалик бошқаринининг илмий жиҳатдан асосланган системасини жорий қилишга нисбатан нотўғри муносабатда бўлишини кескин суратда қотарилади.

Алмашлаб экишга бағишланган республика кенгашидан

Музокараларда сўзга чиққан бир қанча ўртоқлар, шу жумладан Сурхондарё областидидаги «Хазарбоғ» совхозининг директори В. Зиборов ва Самарқанд область, Иштихон районидидаги «8 Март» қолхозининг раиси С. Очлов кенгаш қатнашчиларининг эътиборини олимларнинг таъсирларида ҳилма-ҳиллик борлигини жалб этдилар. Олимлардан базини бирлари етти далали алмашлаб экиш системасини жорий қилишнинг маслаҳат беради, бошқалари саккиз далали алмашлаб экиш системасини жорий этишни маслаҳат берадилар.

Социалистик Чирчиқ норхоналарида

МАШИНОСОЗЛАРГА БАЙРОҚ ТОПШИРИЛДИ

«Чирчиқсельмаш» заводининг коллективий меҳнатда юксак натижаларни қўлга киритаётир. Етти ойлик пилан муддатидан анча илгари бажарилиб, қўшимча равишда 8 миллион сўмликдан зиёроқ узеллар, запас қисмлар, электроз ва пилат қўйилмалари ишлаб чиқарилиди.

Корхонамизга марҳамат қилинг

Пехта қиришини билан ўнг томондаги токарлик станогини бошқариб турган, ёш бўлса ҳам энчи ва чақдон ҳаракат қилаётган оқсарик, ўрта бўйли бир қизга қўзини тугатишди. Бу, заводимида яқиндагина келган Рая Терентьева зўр гайрат мактабни битиргач, техника бўлма юртига ўқиниши кирди. Билим юрти муваффақиятли тугатиб, токарлик ҳунарини эгаллагач, ҳеч иккиланмай заводимида келиб, ишлаб бошлади.

ЯНА БИР АВТОМАТ КОНВЕЙЕР

Пойафзал фабрикасининг янги корпуси куриб битказилди. Эндилдида монтаж ишлари қув сайини тезлаштирилмоқда.

ИИРИК КОРПУС ҚУРИЛАЁТИР

«Электромаш» заводидида йиринг сабот корпуси қуришга киришилди. Бу корпус 10 минг квадрат метрдан иборат бўлиб, унда монтаж-йиғиш ва механика цехлари жойлашади.

Ўзбекистон ўқитувчиларининг съезди

Навий номли опера ва балет театрининг эди икки кун мобайнида мактаб ўқитувчилари билан банд бўлди. Республика халқ маорифи соҳасида ишловчи кўп миңгаб ходимларнинг вакиллари ўз сўзига тўланиб, болаларни коммунистик руҳда тарбиялашга доир энг муҳим масалаларни батафсил муҳокама қилдилар.

Сўзга чиққан Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлимининг мудири А. Т. Тоғиев айтдики, таълимни унумли меҳнат билан боғлаб олиб бориш тажрибаси Ўзбекистон пойтахтидаги 32-мактабда кенг ушатирилди. Янги ўқув йилидан бошлаб шаҳардаги 81 та етти йиллик мактаб саккиз йиллик мактабларга айлантирилади, 25 та мактабнинг тўққизинчи синф ўқувчилари ўн бир йиллик меҳнат политехника мактаблари программаси бўйича шугулланадилар.

Съезда Қашқадарь область ўқитувчиларининг малакасини ошириш институтини тил адабиёт кабинетининг мудири М. П. Ямшинов рус тили ўқитувчиларининг илгор тажрибазори, Бухоро область халқ маорифи бўлимининг мудири А. Музаффаров мактабларини бир сменали машғулотга кўчириш, Самарқанд область, Жиззах районидagi Бугдённий номида қолхоннинг раиси З. Нурматов ўқувчиларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида қатнаштириш тажрибаси, маориф, олий ўқув юрталари ва илмий муассасалар ходимлари касабасоғат Республика комитетининг раиси С. Халифаева энг яхши педагогларнинг тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш, ёш ўқитувчиларга ёрдам бериш соҳасида кун сайн кунт билан ишлаш зарурлиги, Андижондаги 32-мактабнинг ўқитувчиси Ф. Қосимова шу мактаб ўқувчиларининг ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усулига ўтишлари яхши натижа берганини, маориф, олий ўқув юрталари ва илмий муассасалар касабасоғат Марказий Комитетининг раиси И. И. Грибов мактабни қайта қуриш вазифасини халқ маорифи органларининг кучи билангина ҳал этиб бўлааслигини, республикадаги касабасоғатлари, барча жамоат ташкилотлари, қорхона ва қолхонларнинг раҳбарлари бу ишда қатнашмоқлари лозимлиги, Ўзбекистон ЛКММ Марказий Комитетининг секретари Б. Мираҳмедова республикадаги қосмоқом ва пионер ташкилотларининг ёш авлоднинг тарбиялини яхшилаш учун, мактабни турмуш билан уюштириш учун курашдаги иштироки, Қўқон шаҳар халқ маорифи бўлимининг мудири В. Л. Цой бевосита мактабларнинг ўзидан санаот цехларини вужудга келтириш соҳасидаги тажриба, Урганч шаҳар халқ маорифи бўлимининг мудири М. Енубова ўз нутқида мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, Сурхондарь область, Узун район халқ маорифи бўлимининг мудири Х. Қулнбегов бир сменали машғулотларнинг афзаллиги райондаги барча мактаблар янги ўқув йилида бир сменали кўчирилажани тўғрисида таъкидлар.

Музокаралар тамом бўлганидан кейин Ўзбекистон ССР Маориф министри Э. Қ. Қодиров охириги сўзга чиқди.

Съезд делегатлари гоёт баланд руҳ билан Совет Иттифоқ Коммунистик партияси Марказий Комитетига табринома қабул қилдилар.

Шундан кейин Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Ж. И. Илҳомова республика Олий Совети Президиумининг Ўзбекистон халқ маорифи ходимларининг катта бир гуруҳисига Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи номини бериш тўғрисидаги ва энг яхши ўқитувчиларни республика Олий Советининг Фахрий ёрлиги билан мукофотлаш ҳақидаги фармониини ўқиб берди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Э. С. Насриддинов мукофотланганларга диплом ва ёрлиқлар топшириб, уларни қизғин табриқалади ва уларнинг ёш авлоднинг коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги ишларида янгидан-янги муваффақиятларга эришишларини тилади. (ЭТАР).

Туркманистон ССР Маориф министри А. К. Нурбеков, Тожикистон ССР Маориф министрининг ўринбосари К. Ханимова, Украина ССР Маориф министрининг ўринбосари С. Т. Завало, Грузия ССР Маориф министрининг ўринбосари М. Е. Бурчеладзе, Латвия ССР Маориф министрининг ўринбосари З. С. Пурвинская, Қирғизистон ССР Маориф министри Т. Т. Турғунов, Арманистон ССР Маориф министрининг ўринбосари Р. Х. Велибеков, Молдавиядаги ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг директори М. Ф. Красченко, Белорусия Педагогика фанлари институтининг директори П. С. Солнцев, Литвадаги ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг директори З. С. Бульно қардош республикалар ўқитувчилар коллективлари номидан гапириб, Ўзбекистон ўқитувчиларини самимий табриқладилар.

Съезда маилат комиссиясининг доклады тингланди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси О. А. Алимовга сўз берилди. Ўртоқ Алимов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан съезд қатнашчиларини ҳамда қардош иттифоқчи республикалар педагог коллективларининг съезда келган вакилларини табриқлайди.

Ўзбекистон совет мактаби, — деб таъкидлайди Ўртоқ Алимов, — катта ва шонли йўл босиб ўтди. Совет ҳокимияти йилларида республикада чинакам маънавий революция амалга оширилди. Аҳоли ўртасидаги саводсизлик тамомла туғтилди. Ўзбекистонда халқ маорифини ривожлантириш соҳасида қўлга киритилган муваффақиятлар яққол кўриниб турибди. Аммо халқ маорифининг аҳволига ҳозирги кун нуктадан назардан баҳо берганда айрим жойларда болаларни ўқитиш ва тарбиялаш тўғрисида тегишчан таъкидлар қилинмаётганини ва бунинг натижасида мактабларнинг ишида жиждий камчиликлар рўй бераётганини эътироф қилмай бўламайди.

Бу камчиликлар, аввало, умумий таълим тўғрисидаги қонун бузилаётган, ўқувчиларнинг бир қисми мактаблардан чиқиб кетаётган жойларда, баъзи ўқувчилар сўст ўқинган ва мактаб биналари қурилиши соҳасидаги топшириқлар бажарилмаётган жойларда рўй бермоқда.

Музокаралар тамом бўлганидан кейин Ўзбекистон ССР Маориф министри Э. Қ. Қодиров охириги сўзга чиқди.

Съезд делегатлари гоёт баланд руҳ билан Совет Иттифоқ Коммунистик партияси Марказий Комитетига табринома қабул қилдилар.

Шундан кейин Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Ж. И. Илҳомова республика Олий Совети Президиумининг Ўзбекистон халқ маорифи ходимларининг катта бир гуруҳисига Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи номини бериш тўғрисидаги ва энг яхши ўқитувчиларни республика Олий Советининг Фахрий ёрлиги билан мукофотлаш ҳақидаги фармониини ўқиб берди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Э. С. Насриддинов мукофотланганларга диплом ва ёрлиқлар топшириб, уларни қизғин табриқалади ва уларнинг ёш авлоднинг коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги ишларида янгидан-янги муваффақиятларга эришишларини тилади. (ЭТАР).


Қўш терак бўйи кўтарилди қолганди. Катта-кичик карталарнинг ҳаммасида сабзавот, картошка, подис экинлари яшнаб ётибди. Тала-лихин навли помидор экинлар уч гектарлик майдонда ўтган йили 10-синфини битириб бу ерга ишга келган Вазира Фаизова, бригаданин илгор ишчилари Санобар Рихсиева, Мақсуда Қодирова ва бир неча ёш-алам ҳар бири пиеладай, чойнакдай бўлиб этилтар помидорларни терияпти.

Бригада аъзолари этиштирилган ҳосилини сира ноуб қилмай йиғиштириб, давлатга топширишга қатъий аҳд қилишган. Шунинг учун уларнинг қўлчилиги кунлик иш нормаларини икки бараварга етказиб адо этилдилар: Бошқа пайкаларда ҳам иш қилган. Битта картада механизатор Абдуқамом Ғаббобов ўз трактори билан қатор ораларини юмшатапти. Бошқа бир картада Ишонбой Рихсиев ва Раҳим Усмонов ўртоқлар кечки картошкага сув тарашаяпти.

Бригада аъзолари йил бошида ҳар гектар ердани помидордан 25 тоннадан ҳосил этиштириш мажбуриятини олган эдилар. Улар ҳосил этилган биринчи кунлик 5—6 жўякдан 4,5 тонна ҳосил териб олдилар. Чамалаб кўришса, ҳар бир гектар ердан 25 эмас, балки роса 66 тоннадан помидор ҳосили этиштириш мумкин. Ҳозиргача давлат оморларига 200 тоннадан ортиқ турли хил маҳсулот топширилди. Бунинг 30 тоннадан ортиқроғи помидор ҳосилидир.

Сабаботчилар икки гектар майдондаги қарамдан ҳам пландаги 40 тонна ўрнига 80 тонна ҳосил йиғиштириб олдилар. Картошка, сабзи-пиез каби экинлардан ҳам мўл ҳосил этиштирилди. Албатта бундай натижалар ўз-ўзидан келгани йўқ. Йил бошида Насриддин ака 73 гектар еримнинг ҳаммасига нуқул квадрат-уялаб экин экамиз, деганда қўш

Адабиёт сажифраси



Дам олиш кунин. Балиқ ови ишқибозлари соқини кўл бўйлаб сузиб кетдилар. М. Комлев фотоси.

(ОЧЕРБ)

Янги ранс

Ғанишер Юнусов бригадасининг расми газетда эълон қилинганди, биз Янгийўлда эдик. Райкомда одам сийрак. Секретарь қабулхонасида уч-тўрт киши ўтирибди.

Навоитимиз еттиши билан бизни чикарига таклиф қилишди. Салом-алиқдан сўнг, гап гаширчилар ҳаракати устида кетди.

— Ғанишернинг шогирдлари кў-пайиб қолди, — деди райком секретари Иноғам ака газетадан кўз узмай туриб, — область кенгашида тектаридан элик учдан бераман, деганлар ҳам чиқиб қолди. Даласини кўрсангиз, элик бешдан беришига амин бўласиз...

— Районингизда ҳам шундайлар топиладими? — сўрадик унинг гашини бўлиб.

Секретарь майин жилмайиб қўйди. Газетани икки буқлаб етол четига қўйди-да:

— Топилди эмас, жуда кўп, — деди.

У бир қанча қолхонларнинг номиин айтди. Биз Свердлов номи қолхонга боришни мўжаллаб, қўзғолди. Хайрлашар эканмиз:

— Ранс янги одам, — деди Иноғам ака, — дала билан танишиб юрган бўлса, тополмай қийналмаларинг тагин?

Қидириб бўлса ҳам топиб, у билан сўхбатлашмоқчи эканлигимизни айтиб, йўлга тушдик.

Кун иссиқ. Ун қадам ўтмай чанқайсан, терга ботасан, киши. Машина кенг асфальт йўлдан қўшдек уйиб бормоқда, зовиғига гуп-гуп иссиқ шамол урилади. Тогомиг кўриб, тилинг гапта келмайди. Шу тоб Янгийўл қолхон бозорига бўлганидан муздек сервус тарвузалар асимга тушиб кетди. Қани энди ҳозир шулардан иккитаси бўлса!

Шерим худди менинг фикримни севгандек:

— Аввал чойхонага тушсан, — деб қолди.

— Ҳа, нама эди?

— Чанқовни босиб олмасан бўла-майди.

Бахтимизга идоранинг ёни чойхона экан. Чойхонача дилимизда-ини топгандай бир чойнак кўк чой олиб келиб қўйди. Чойхона жимжит. Бурчакдаги сўрида иккита чол ўтирибди.

— Ранс шу ерда эмасмикан? — сўрадик чойхоначидан чанқовни бос-гач.

Чойхоначининг ўрнига чоллардан қотмароғи жавоб берди.

— Бе, рансин ҳозир топиб бўлар-мики?! Қайси бригадала юрганкин, ким биласиз? Нима, ишларинг бор эди?

— Биз шаҳардан — газетадан, бир далани айланмоқчи эдик.

— Агар айланмоқчи бўласаларинг, аввал рансин билилар. Ҳа, рансин! Саккиз йил райкомда бўлиб турган одам, қолхонни кўтараман деб, буюққа келди-ю, уни ёмай кимин баардиларин!

Чолининг бу гапларки эшитиб, шу қолхонга келганимиздан хурсанд бўлдик.

Бундан етти-саккиз йил олдин бу қолхон районда жуда машҳур эди. Тошкентга келган меҳмонлар Янгийўлга бора, албатта, шу қолхонга тушиб ўтар эдилар. Нахтаси ҳам яхши, план вақтида бажарилади эди. Лекин сўнги йиллар ичида бу йирик хўжалик орқага кетди. Қўшнлардан кейинда қолди.

Ана шундай бир долзарбда Ўбайдулла Мусаев райкомга ариза кўтариб келиб қолди. Биринчи бўлиб уни Иноғам ака қувватлади, бошқалар ҳам йўқ дейишмади. Шу-шу бўлиб-ю, Ўбайдулла ака шу йил январдан бошлаб қолхонда ишлаб бошларди.

— Кўкрагимизга шамол тегиб қолди, — чоллардан бири — Нурматов ака гапта аралашди. — Мама Назирбой айтсин, Ўбайдулла келди-ю, даламизга фойз кирди.

— Ишчан бўлгандан кейин шу дала, унинг гапини қувватлади Назир ота. — Кўз қўрқоқ, кўл ботир дейишди. Ғайрат билан ишга киришсанг одам элай эрмайдиган иш борми? Мама, ферма солидинг, ҳар бригадала қўлинг ўргусини шийноб бўлди. Қўшнимизнинг бизга қўшилганини айтмайсанми? Энгиле қолхонда бўлмагандирсанлар. Районда бундан қолоқ қолхон бўмаса керак-ов! Ана шунинг аъзолари Ўбайдулла келгандан кейин, Свердлов қолхонига қўшилгани деб туриб олдинг. Бекордан-бекорга ким қўшилди? Яхши бўлса қўшилади.

Назир ота рансининг ҳаётига онд қизиқ воқеаларни ҳикоя қилиб берди. Уни тинглар эканмиз, олдий солик кишининг матонатини, ташаббусини, инсоний фазилатларига ани бир марта таҳсин ўқидик.

1941 йил, Фашист қўзғулари она туяроғимизга хуруж қилган оғир, мусабити давр... Ўбайдулла ака ўз тенкурлари билан фронтга жўнади. Умрида биронга қўл кўтарман йиғит қонли жангга кирди. У миллионларини бири сифатига қардош Украина, Белоруссия шаҳарларини, сўраман ўтидан қўйиб «куз бўлаган буғдойзор далаларини, бепонг ўрмон-зорларини инсоний қиёфасини йўқотган фашистлардан тозалашда иштирок этди. У душманин Витиминиз чегарасигача қўйиб берди. Қалабага еаноқини кулар қолганда 1945 йилнинг мартида қўқрагидан ўқиб ярадор бўлди. Уни госпиталга олиб келишди. Шу куллари Ленин ордени билан мукофотланди.

Орадан кўп йиллар ўтди. Ўбайдулла ака бу давр ичида «Анағар» қолхонига раҳбарлик қилди, кейин уни район ижроия комитетига олдингди. 1956 йили район пахта таъбирлаш планини ошириб бажарганда, Ўбайдулла Мусаев илгор пахтакорлар қатери Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олишга муяссар бўлди.

Уша йил қишда 200 пахта устаси — 200 меҳнат қаҳрамони Кремлек боришди. Булар орасида Ўбайдулла ака ҳам бор эди.

Мама ҳозир у пахтазор оралиб юрибди...

Чоллар билан хайрлашиб, биз ҳам далага йўл олдик. Ўбайдулла акани бу йил олтинчи тўққиз гектар ерини ҳар гектаридан ўттига беш центнердан ҳосил кўтаришга бел болаган Урмон Усмонов бригадасида бўлса керак, дейишди, тополмадик. Биз келибмиз-ю, у етибди. Турсун Имомов, Жўра Султонов бригадаларида ҳам уни топиб бўлмади. Анор Нурматов трактор-далачилик бригадасига ўтдик. Ҳайтовур шу ерда экан.

Қорачадан келган, кенг кўкракки, кулча юз бу кишини кўрдик-ю, Назир ота мактабгача бор экан, деб қўйдик ичимизда. Бир пахта танишиб олдик. Гап ўз-ўзидан қувулиб келаверди.

— Ҳозир ишимиз ёмон эмас, деди у. — Ғўза парварининг даврида катта хатоликларга йўл қўйдик. Халқимизни вақтида тўғрилашда яқиндан ёрдам беришди. Жон қўйдириб ишладик. Аммо хўжалигимиз ҳам катта, одам ҳам қо эмас. Пинҳон қўшнни билдирганлари йўқ деб бўлмади. Булар билан ишлаб тоғин талдон қилиб юборса бўлади!

Ўбайдулла ака ҳарбир сўзини ўла-чаб, ўйлаб гапирарди.

— Мама шу Анорни олиб кўринг. 131 гектар ери бор. Ғўзанинги биттаси ҳам хато бўлмади. Яхши ҳосилга қилди. Ғўзта ҳам кўплик қилди деб юрди аввал. Уновун кунин идорлага бориб, мажбуриятини ўзгартириб қўйсангиз, бу йил бизники — ўттиз беш, деди. Бувақалар жуда кўп.

Шийнонга келганимизда кун кеч бўлиб қолган эди. Сақдин тушиб, муздек шабада эсварди.

— Бу йил олти юз гектарга яқин ердани пахтани машинада терамиз, — гапида давом этди ранс, — шуниси қизиқки, одамларнинг ўзи машина талаб қилишяпти. Шунинг учун иккита трактор-далачилик бригадасини бirlаштирдик.

Гап орасида Назир ота билан қилган сўхбатимизга сўзлаб бердик. Ранс кўлиб, бундай деди:

Қолхончиларнинг меҳнати олдида раисларнинг қилган ишлари дарбадан томчи. Сени ҳурмат қилган, шундай хўжалиқни ишониб топшириб қўйганларга жонингни берсанг ҳам арзийди.

Шийнонда анчагина сўхбатлашиб ўтирдик. Қолхон бу йил беш миң тонна «оқ олтин» бормоқчи. Бу ўган йилдагидан анча кўп. Рансининг ишонч билан айтган гаплари, далада амалга оширилаётган ишлар коллектив аҳлининг амалга оширишдан дарак бериб турибди.

Қолхондан қайтар эканмиз, Иноғам аканинг:

— Ранс янги, — деган гапи эсимга тушиб кетди.

— Янги ранс... дедим ҳамроҳимга, — агар хўжалиқларга ана шундай одамлар раҳбарлик қилса, «қолоқ» деган сўз коллектив ишчилар луғотидан чиқиб кетмай.

— Ҳа, бутунлай чиқиб кетмай!

Улмас УМАРБЕКОВ.

Назармат

Хаёлимда кўринадан (КЎШИК)

Нашта тинсан хаёлимда кўринадан сен ёрим, Оразингир ипақларда жилваганган баҳорим, Ранг изласан нухса ол, дер ишининг бўлиб гул жаҳон, Шошиламан танламоқча қолмай вақт, ихтибирим, Игна тутган бармоқларим чаман ичра ранс тушар, Меҳрим тошар сенга лойиқ гул тикай, деб ниғорим, Баъзан ипақ танлаганим ёймай қолар ўзимга, Уяламан ўз ишимдан шунда билсанг дилдорим, Ранг-ранг ипақ гуллаб неҳар палак узра тез яна, Иши мантуби наби унда меҳрим бўлар ихзорим, Хунар қалбининг хусни дейман, юртга манзур бўлса оос, Шунда сенга салаватим, шундангир ифтихорим, Нашта тикман кўларимини сен томонга чўзармен, Тезроқ нелгин, эй дилдорим, севгили вафодорим.

БАРНО

Води сайрида кўринди шўхи барно қизгина, Барча гулшан кўринимиз дер гунча равно қизгина, Шўху нуноғ таърифини оппоқ олтиндан сўраман, Деди ғўза ақсида қилғил тамоша қизгина, Мевазорга йўл олиб, боғдон ишимни кўзларим, Хусни олма наъшини этди таманно қизгина, Гул дедим, бўлбул дедим, бу эски таъриф, деди эл, Шўхрати оламга кетган дедим, танҳо қизгина, Сўз тополмай боққан эрдим, шўх, ғўзал чехрасига, Юзида бўлди ҳайдан неҳра пайдо қизгина, Маъсадам шўх бир умур водада бўлмоқ у билан, Дия сўзини айта қолсам: этди шайдо қизгина.

Тўра СУЛАЙМОНОВ.

ТАРАДДУД КЎР

Яхши сўз жонга малҳам, озимасми? Ботирлардан шөр, қоплон ҳайиқмасми? Ишда нолон хўжалик бошлигининг, Эшитгани таянаю таъйиқмасми?

Эр йиғитлар қизарса ўсал бўлар, Дангаса сал ишласа «насал» бўлар, Беғам ранс, уйлагини, пала-партиш Ишларингга қандай ҳам кўнглиг тўлар?

Нодонлар ғўзга ўхшаб керилади, Ваъдабозлар гапта расо бериледи, Таш-тарозу, хирмонни тахт қил тезроқ, Пахтамиз янчи нунда ториледи.

АҲОЛИГА МЎЛ-КЎЛ САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРАМИЗ

Насриддин Муҳиддинов бригадасида

Йиллардан бери сабзавотчилик билан шугулланиб келган миришкор дехқонлар унинг гапига ишончсизлик билан қараган эдилар.

Бригада март ойининг бошларида иш бошлади. Бу вақтда илгор бригадалар мўл ҳосил этиштириш юзасидан бир қатор ишларни амалга ошириб қўйган эдилар. Насриддин ака атрофидаги айрим кишиларнинг, қовун-тарвузини ҳам, сабзи-пиезини ҳам квадрат-уялаб экиб бўлганди, деган таъналарига ҳам қарамай ишга жиддий киришди. Аммо барибир дастлабки кунларда иш унумли бўлмади. Бригада аъзолари «еримиз кўп, кучимиз бўлса жуда оз, ишни эплаб-эмай, элга кулги бўламиз» дейишиб, кўл учиде иш қила бошладилар. Натижада икки кунда бажаришга мўл жалланган ишлар бир хафтага чўзилди.

— Бугун сизлар билан очик-часига гаплашиб олсан, — мурожаат қилди Насриддин ака бир кун аъзоларини йиғиб, — Ғазарингга маълум, биз областимизда биринчи бўлиб сабзавотчиликда квадрат-уялаб экинни қўллаётимиз. Ҳозир бу ишнинг афзалликлари сизларга маълум бўлмай турибди. Аммо бир йил каттиқ ишлаб, бу соҳада тажриба орттириб олсан, кейин, ҳамма экинни квадрат-уялаб экамиз, деб ғазарингиз айтасиз.

Ҳақиқатда ҳам квадрат-уялаб жойлаштирилган экинлар унинг чиқиб, парвартиш ишлари бошлангандан кейин унинг афзаллиги теъда маълум бўлиб қўяқолди. Бунинг қўйиладиги мисоллардан ҳам аниқ кўриш

мумкин. Хўжалик йили бўйича тузишлан планга кўра, икки гектар ерда қарам ҳосили этиштириш учун 380 меҳнат кунини сарфлаш қўзда тутилган эди. Аммо механизация ишчи беқеёс енгиллаштирди. Фақат 170 та меҳнат сарф қилингани ҳолда қарамдан мўл ҳосил этиштирилди.

Бригада аъзолари бу йил ҳаммаси бўлиб картошка, сабзавот ва помидор экинларидан 700 тонна ҳосил этиштириш мажбуриятини олган эдилар. Ҳомчўлларга қараганда бригаданин 36,5 гектар еридаги экинларнинг ўзидангина миң тоннадан ортиқ сабзавот ҳосили этиштириш мумкин.

Ўртоқ Насриддин Муҳиддинов бошқараётган бригадала ҳаммаси бўлиб 17 киши ишлаяпти. Бунга қўшни бўлган ўртоқ Солижон Жўраев бошқариб бригадала эса бу бригадалага нисбатан ер майдони қарий икки баравар кам, ишчи кучи эса икки баравар ортиқ. Бу бригадала сабзавот этиштиришда асосан «кўл кучидан фойдаланилганини сабабли дастлабки кунларда бригада аъзолари жуда шониб қолди. Экинларни ўзи босиб кетди. Аммо азаматлар тер қўшиб меҳнат қилдилар. Кечани-кеча, кундан-кундуз демай ишлашиб, қолоқликдан қутлиб олдилар.

Шунинг ҳам айтиш керакки, ўртоқ Жўраев бригадасида ҳар бир центнер ҳосилини этиштириш учун жуда кўп меҳнат сарфланди. Ташаббускор бригадала эса сарфланган меҳнат, кетган сарф-харажатлар кескин камайтирилиб, ҳосилининг таънарихи беқеёс камайтирилди. Сабзавотчилик

да механизациядан кенг фойдаланишининг катта афзаллиги ҳам ана шу.

Бригада аъзолари механизация ёрдами билан бажариб бўлмайдиган баъзи таъбирларни ҳам қулайгина амалга ошириш усулларини топмоқдалар: 2 гектар майдондаги кечки сабзи ўталани зарур бўлиб қолди-да, Агар шу иш қўл кучи билан бажарилса жуда кўп вақт ва меҳнат с

Ўзбекистонда украин адабиёти ҳафталиги

Бўш миллатан Совет адабиёти намуналарини мамлакатимиз меҳнаткашлари севиб ўқийдилар. Шу жумладан, ўзбек китобхоналари ҳам қардош республикалар адабиётини ютуқларини қизиқиш билан қўзғатиб борадилар, янги бадий асарларни дарҳол сотиб оладилар.

Ана шу қизиқишни ҳисобга олиб Ўзбекистон ёзувчилар союзи республикада украин адабиёти ҳафталигини ўтказишга қарор қилди. Ҳафталик сентябрь ойида бўлиб ўтади.

Украинадан Ўзбекистонга 6 ёзувчи меҳмон бўлиб келади. Ҳафталик муносабати билан Ҳамид Олимжон номли адабиётчилар уйида украин адабиёти кечаси ўтказилади. Украина ва Ўзбекистон ёзувчилари В. И. Ленин номидаги Урта Осиё Давлат Университети студентлари, Ташкент тўқимачилик комбинати ишчилари ва Самарқанд, Фарғона меҳнаткашлари билан учрашадилар. «Ўзбекистонгатор» ҳам Украина ёзувчилари билан учрашув кечалари ўтказиш ва китоблар савдоси ташкил этишни планлаштириди. Навоий номидаги давлат халқ кутубхонасида украин адабиётига бағишланган катта кўма выставка тайёрланмоқда. Ўзбекистон бадий адабиёт нашриёти ҳафталикка бағишлаб Гараб Шевченконинг икки томлик асарлари тўпламини ва Ивал Ленин «Межгорье» романини ўзбек тилида босиб чиқаради. Бир ҳафта давомида республика, жумладан пойтахт кино-театрлари экранларида. Киев кино-студияси яратган бадий фильмлар намойиш қилинади.

Илм ҳафтада республикада тожик, қозоқ, ва озарбайжон адабиётлари ҳафталиги ҳам ўтказилади. Бу муҳим тадбирлар қардош халқлар дўстлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.




Газетанинг биринчи бетига СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрущёвнинг Гвинея Республикаси ҳукумат делегациясини қабул қилганлиги ҳақида материал берилган. Бош мақола ва биринчи бетдаги бошқа материаллар пахта ни машина билан териб олишга пухта тайёргарлик кўришга қаратилган.

Иккинчи бетда «Конструктор ижод қилади», «Партия контроль комиссиясининг тақлифи билан» ва бошқа сарлавҳалар остида мақола, лар берилган.

Учинчи бетда республика ўқитувчиларининг съезди ҳақида ҳисобот ва чет эллардан олинган хабарлар берилган.

Тўртинчи бетда областимиз шаҳар ва қишлоқларидан ва Тошкентдан олинган хабар ҳамма мақола, лар берилган.

ЯНГИ ШИФОХОНА



Уртасарой районини Урта Чирчиқ районига қўшилиши натижасида район партия комитети ва район иқтисодий қўшма бўлими билан биргаликда, Бу бинода ўпка касалликларига қарши кураш бўлими диспансери ва шифохона барпо этилади. Илгари ана шу шифохонани қуриш учун давлат бюджетидан 3—4 миллион сўм пул сарфланган бўлган эди. Районларини янгилаштириш натижасида шифохонага сарфланган пул тежай қолди. Шифохона 220 кўшига мулкдорларга бўлиб, у энг янги медицина асбоб-ускуналари билан таъминланган. Бу ерда лаволаш ишлари совет медицина фаши эришган янги ютуқлар асосида олиб борилаётган. Даволаш муассасасининг атрофида турли дарахлар билан қопланган соясалқин боғ, ҳовуз ва катта гулзор бор. Бу эса беморларнинг кўнглини очади. Суратда: янги шифохона биносининг умумий кўриниши.

М. Нуриддинов фотоси.

Ҳисса

Калинин районидagi Охунбобоев номи колхоз аъзолари шаҳар аҳолисини сабабот, картошка ва чорва маҳсулотлари билан таъминлаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Колхозда бу йил 730 гектар ерга сабабот ва полив экинлари экилган эди. Миришдор деҳқонлар раҳбарлик қилган бригадалар парварши ишларини сифатли ўтказиб, сабабот ва қорун-тарвуздан мўл ҳосил этиштиришга эришилди. Ҳозирги кунда мана шу ҳосил колхознинг дўноқлари орқали шаҳар аҳолисига етказиб берилмоқда. Шу йилнинг 1 августига

қадар колхозда 2283 тонна сабабот маҳсулоти тайёрланди. Бу, ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда уч баравар кўп демакдир.

— Азимов, Эшонов ўртоқлар бошчилиги қилган далачилик бригадалари аъзолари эришаётган ютуқлар айниқса қўнғончидир. Мўл ҳосил этиштириш йўлида фидорона меҳнат қилган бу бригадаларнинг аъзолари ҳосилни йиғиб-териб олиш ишини ҳам ушшоқлик билан ўтказмоқдалар, кечки экинларни ҳам сифатли парварши қилмоқдалар.

Н. ҲИҚМАТУЛЛАЕВ.

Ҳаво флоти кунига бағишланган фотомонтаж

Чирчиқ шаҳридаги марказий кутубхонада СССР Ҳаво флоти кунига бағишлаб чиқарилган фотомонтаж бу ерга келувчилар эр қизиқиш билан кўздан кечирмоқдалар. Фотомонтажга янги конструкциядаги самолётларнинг фотосуратлари қўйилган. «ТУ-114» маркази реактив пасажир самолётининг ерга қўмасдан Москвадан Нью-Йоркка учиб бортгани, америкаликлар бу самолётни эр қизиқиш билан кўрганиликларини ас эттирувчи фотосуратлар айниқса диққатга сазовордир. Шунингдек, фотомонтаждаги материаллар авиациядан саноат ва қишлоқ хўжалик мақсадларида қандай фойдаланилаётганини тўғрисида ҳам маълумотлар беради.

Кутубхонада авиация кунига бағишлаб турли темаларда сўхбатлар ҳам ўтказилмоқда. Бу ерда «Совет мамлакатининг ҳаво флоти», «Совет реактив техникасининг ажойиб муваффақияти» ва бошқа темаларда ўтказилган сўхбатни китобхона қизиқиш билан тингладилар. Ана шундай сўхбат ва докладылар шаҳардаги бошқа кутубхоналарда ҳам ўтказилмоқда.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

Газеталар ҳақда қўшма кўлади...

▲ Гулистонликлар чорва моллари қишлоғига пухта тайёрланмоқдалар. Ленин номи. «Ленинград». Қара Маркс номи ва бошқа қишлоқ хўжалик артелларида қўлаб силос бостириляпти. Ўзбекистонда бу ерда лаволаш ишлари совет медицина фаши эришган янги ютуқлар асосида олиб борилаётган. Даволаш муассасасининг атрофида турли дарахлар билан қопланган соясалқин боғ, ҳовуз ва катта гулзор бор. Бу эса беморларнинг кўнглини очади. Суратда: янги шифохона биносининг умумий кўриниши.

▲ Чирчиқдаги «Электромаш» заводининг ишчилари билан Ўзбекистоннинг Калинин номи колхоз аъзолари ўртасида ҳамкорлик алоқаси яхши йўлга қўйилган. Корхона коллективи колхоз қишлоғини электрлаштиришга ақинлан ёрдам қилди. Колхозчилар эса машинасоғалар учун керакли бўлган сабабот маҳсулотлари етказиб бермоқда. Ишчилар билан колхозчиларнинг дўстлиги ва ёзаро ҳамкорлиги кун сайин мустаҳкамланиб бормоқда.

(«Ленин йўли»).

▲ Охангарондаги кўмир ва конустийн очиб қазриш билан юк ортиш транспорти бошқармаси ўртасида оператив раҳбарлик қилиш кўни сайин яхшиланиб бормоқда. Ҳозир бу ерда радио алоқаси ўрнатилди. Шунингдек, кўмир ташинида хизмат қилётган 14 паровоз ҳам радиолаштирилди.

▲ «Ўзбекистон шахтери». Янгийўл район матлубот союзи илгор савдо ҳодимларининг тажрибасини кенг омаллаштириш мақсадида кўп нуسخали ойлик бюллетень чиқара бошлади. Бюллетенда савдо шохобчаларининг иши атрофида кенг ёритилмоқда. Бюллетень ҳамма савдо ҳодимлари ўртасида кенг тарқатилди.

▲ Чиноз районининг Эски Тошкент қишлоғидаги янги мактаб биноси қурилишини ташлаштиришга бутун жамоатчилик муносиб ҳисса қўймоқда. Бу ерда тез-тез шабодалар ўтказилиб турибди. Шабодаларда Октябрь РТС ва Пахта касалхонасининг иши ва хизматчилари актив қатнашди.

(«Ленин байроғи»).

ЎЗБЕКИСТОН КўРЛАР ЖАМИЯТИНИНГ V СЪЕЗДИ

Яқинда Ўзбекистон кўрлар жамиятининг V съезди бўлиб ўтди. Съезд делегатлари республика кўрлар жамияти Марказий Правлениеси Президиумининг раиси ўртоқ Қ. Примқулловнинг жамиятининг IV съездан кейинги фаолияти тўғрисидаги докладини тингладилар ва муҳокама қилдилар.

Хисобот докладига ва делегатларнинг сўзларида республика кўрлар жамиятининг иши IV съездан, яъни 1954 йилдан бери ўтган давр мобайнида ҳар томонлама ахшиланганлиги таъкилланди.

Республикада кўрларнинг самарали меҳнат қилишлари, фаровон ва маданий турмуш кечиришлари учун кўп қўлайликлар яратилди. Кўрлар жамияти янги-янги саноат корхоналари, клублар, мактаблар, дам олиш уйлари ва бошқа шу сингари хўжалик ҳамда маданий-мансий объектлар қурилишини кенгайтирди.

Съезд Ўзбекистон кўрлар жамиятини Уставини қабул қилди ва республика кўрлар жамияти Марказий Правлениеси ва ревизия комиссиясини сайлади.

СОВЕТ-ИРОҚ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

Ироқ Республикаси Планаласти-риш министри Талъат Ашайбоний бошчилигидаги Ироқ иқтисодий делегацияси 8 августдан 19 августга Москвада бўлди.

Ироқ иқтисодий делегацияси Москвада бўлган вақтида СССР Министрлар Совети Ташқи иқтисодий алоқа Давлат комитети билан музокара-лар олиб борди.

Дўстона, самимий вазиятда ўтган музокара-лар натижасида 17 августда Совет Социалистик Республика-лари Иттифоқи Ҳукумати билан Ироқ Республикаси Ҳукумати ўртаси-да атом энергиясидан тинч мақсад-ларда фойдаланиш соҳасида ҳамкор-лик қилиш тўғрисида Битим имзо-ланди.

Битимда атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида тадқиқот мақсадлари учун атом реактор, изотоп лабораторияси ку-ришида, радиоактив рудалар тошир мақсадида геология тадқиқотлари ўтказишда, илмий-тадқиқот муассас-аларининг ва олий ўқув юрталари-нинг ишларини ташкил қилишда ҳамда атом энергиясидан тинч мақ-садларда фойдаланиш соҳасида ироқ илмий кадрларини тайёрлашда Со-вет Иттифоқининг Ироқ Республика-сига техника ёрдами бериши кўзда тутилди. (ТАСС).

СОВЕТ МАМЛАКАТИНИНГ ИРОҚҚА МЕДИЦИНА ЕРДАМИ

БАҒДОД, 19 август. (ТАСС). Ироқ ва Совет Иттифоқи ҳукумат-лари ўртасидаги ёзаро келишувга мувофиқ совет медицина ҳодимла-рининг бир гуруҳи Ироққа иш олиб бормоқда. Бу гуруҳ Ироқ аҳолисини чечакка қарши эмлаш учун келган эди. СССР мутахассис-лари томонидан ишлаб чиқилган ло-йиҳа мамлакатда кенг тарқалган ана шу касалликка қарши қисқа вақт ичида аҳолининг ҳаммасини

эмлашни кўзда тутди. Ҳозирги вақтда Москва ва мамлакатнинг бошқа баъзи районларида бу вази-фа амалга оширила бошланди.

Бугун Бағдодда соғлиқни сақлаш министрлигида Совет ҳукумати-нинг совгасини Ироқ ҳукумати-га топшириш маросими бўлди. Бу со-вага 15 миллион доза чечак вакцина-си, 15 минг литр тоза спирт, 2 ми-нги килограмм медицина пахтаси, лаборатория жиҳозлари, реактивлар ва бошқа материаллардан иборат.

РУМИНИЯДА МИЛЛИЙ БАЙРАМГА ТАЙЕРГАРЛИК

БҲАРЕСТ, 19 август. (ТАСС). Руминия Халқ Республикасининг корхоналарида ва муассасаларида Руминия халқининг буюк мислиий бай-рамига бағишланган кўп кишилик йиғилишлар бўлиб ўтмоқда. Шу йил 23 августга мамлакат фашистар зулмидан озод қилинган кунга 15 йил бўлади. Йиғилишларда корхона-ларнинг коллективлари халқ ҳоқи-мияти йилларида қўлга киритилган ютуқларга яқин асамоқдалар, 23 август шарафига олинган ишлаб чи-

қариш муваффақиятлари тўғрисида рапорт бермоқдалар.

Яеи шаҳрида Руминия Халқ Рес-публикаси академияси филиалининг илмий сессияси бўлиб ўтди. Сессия-да 8 та илмий ахборот тинланди. Булар орасида «Молдовани индуст-риштиришда Совет Иттифоқининг техника-иқтисодий ёрдами», «Ком-мунистик партия раҳбарлигидаги Молдова халқ оммасининг Руминия-ни фашистар зулмидан озод қилиш-га қўшган ҳиссаси» деган ахборот-лар бор.

Германиянинг иккала қисмидаги ишчиларнинг ҳаракат бирлиги учун

БЕРЛИН, 19 август. (ТАСС). Ми-литаризмга ва Ғарбий Германия-нинг атом билан қуролланишига қарши муваффақиятли кураш олиб бориш учун иккала герман давлати-даги ишчилар синфининг ҳаракати-ни бирлаштириш зарурлигини Ғар-бий Германия ишчилар синфининг тобора кенг табақалари тушуна бошладилар. АДН агентлигининг ха-бар беришича, Ғарбий Германия касабаси омавларининг ҳозирги вақт-да Германия Демократик Республи-касида бўлган 200 ишчи Веймар шаҳрида Германия Демократик Рес-публикасида яшовчи ўз шериклари билан учрашгавлар. Ғарбий герман ишчилари Бони ҳукумати томони-дан ўтказилган атом билан қу-ролланиш сийбасига қарши кураш-да Германиянинг иккала қисмидаги ишчиларнинг ҳаракат бирлигини еқлаб чиқдилар. Ишчилар синфи-

нинг бирлиги ҳозирги вақтда энг муҳим вазифадир. — деди Рур об-ластидан келган ишчи.

Бутун Германия ишчиларининг имперализмга ва атом урушига бирлаша олишлари учун музокара-лар олиб бориш ва умумий йўлни топиб олиш керак, дейдилар «Швар-це-пумпе» комбинати касабаси со-ва ташкилотининг тақлифига мувофиқ Саар обласидан Германия Демокра-тик Республикасига келган делега-ция аъзолари. Кўнчилиги Герма-ния Демократик Республикасига биринчи марта келган бу делегация аъзолари Германия Демократик Республикасидаги қончиларнинг турмуш шароити, шунингдек со-циал ва маданий муваффақиятлари билан танишмоқчилар ва энг муҳим илмий масалаларни улар билан бирга муҳокама қилмоқдалар.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТР-ДА — 1959/60 йил мавсумининг очилиши — 22/VIII да Дилором МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТР-ДА — 21/VIII да Тоҳир ва Зух-ра, 22/VIII да Раъшан ва Зулху-мор. ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРИНИНГ ЕЗГИ БИНОСИДА — 21/VIII кеч соат 9 да Ўзбек мақомлари кечаси. Билетлар сотилмоқда. «РОДИНА» — эрталаб соат 11 ва кундуз 1 да Қочубей, кундуз 3 дан кенг экранли фильм Сам-по. «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИ-ГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «ВАТАН», «УДАР-НИК» — Дугоналар. «ОКТАБРЬ» — Ташвишли ёшлик (Ўзбек тилида).

НАВОИЙ номли (қизиқ) — кундуз ва кечқурун Кунларимиз қиссаси, кундуз соат 3-20 ми-нутда Қўтлуқ қон (Ўзбек тилида), кеч 10-40 минутда Севги тара-рлари. НАВОИЙ номли (бағи) — Кунларимиз қиссаси. «9 МАЙ» — Алишер Навоий (Ўзбек тилида). «ИСКРА» — кундуз ва кеч-қурун: 1 ва 2-залда Амалга ош-маган орузлар, 3-залда Дугона-лар. «ФЕСТИВАЛЬ» — кенг эк-ранли фильм Сампо. КАФАНОВ номли — кеч соат 8-45 минутда Дугоналар, кеч 10 аримда Ғи иккинчи тун. «ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун Дугоналар, кеч соат 10 да Жодугар.

Ҳамза номли театрининг ёзги биносида 21 августда Ўзбек мақомлари КЕЧАСИ Кечада: Ўзбекистон халқ ҳофизлари Ортиқхўжа Имомхўжаев, Жўраҳон Султонов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Коммуна Исмоилова, Ўзе-бекистон радиоси солисти Карим Муиннов, солистар-дан Топтемир Шарипов, Тўхта Ўзлдошева, Халилов Қодирова, VI Жаҳон фести-вали лауреати Акбар Мўми-новлар қатнашади. Программادا: Ўзбек клас-сик ва замонавий ашула, музика ва рақслар. Кеча соат 9 да бошлана-ди. Билетлар сотилмоқда.

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА 1959/60 йилги мавсум очилади 22/VIII да — Дилором. 23/VIII да — Паяцлар. 25/VIII да — Демон. 26/VIII да — Майсарининг иши. 27/VIII да — Жазель. 28/VIII да — Бөгема. 29/VIII да — Паяцлар. 30/VIII да — кундуз Жи-зель, кечқурун Фарҳод ва Ширин. Кундузги спектакль соат 12 да, кечки спектакллар соат 8 да бошланади. Билет-лар сотилмоқда.

Совет артистларининг концертлари муваффақиятли ўтмоқда

ПРАГА, 19 август. (ТАСС). Еш-ларнинг Вена фестивалидан бу ерга келган Бошқирдонстон ва Ўзбекистон халқ рақслари ансамблларининг Чехословакиядаги гастроллари қариб икки ҳафтадан бери давом этмоқда. Совет артистлари, Прагада, Братис-лавада ва республиканинг бошқа ша-ҳарларида концертлар кўйиб берди-лар. Ҳамма жойда уларнинг кон-цертлари муваффақиятли ўтмоқда.

БАТИСТАНИНГ АҚШГА КЕЛИШИ ТАЪҚИҚЛАНГАН

НЬЮ-ЙОРК, 19 август. (ТАСС). АҚШ давлат департаментининг 18 августда хабар беришича, у Куба собиқ диктатори Батистанинг Қўш-ма Штатларга келиш тўғрисидаги илтимосини рад этган.

Бундан илгари давлат департамент-ининг вақили бу илтимос «актив ўрганилмоқда» деган эди.

ФУТБОЛ

«Химик» футболчилари голиб чиқди

Тошкентдаги «Динамо» стадиони-да Тошкент области кубогини олиш учун Юқори Чирчиқ районлиги Свердлов номи колхоз футболчилари билан Чирчиқ шаҳар «Химик» футбол командаси ўртасида мусоба-қа бўлди. Ғолиб қилган кураш вази-ятлида ўтди. Химик футболчилари 5:0 ҳисоби билан ғалаба қозонди-лар. Голиб командага спорт жами-ятлари ва ташкилотлари союҳи ома-листе Советнинг кўчма мукофоти берилди.

П. НИМ.

Шеврол Экранда

21 АВГУСТДА
19.30. Ўзбек тилида халқ-аро обзор.
19.45. Киножурнал.
19.55. Сўнги ахборот.
20.15. Бадий фильм — «Хавт сенинг кўнглинга».
21.35. Телетамашбинлар-нинг талабларига мувофиқ кенсерт.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Кеча Тошкентда ва Тошкент об-ластида ҳаво очяқ бўлди. Кундуз соат 3 да Тошкентда 31, областда эса 30-33 даража иссиқ бўлди. Бугун Тошкентда ва Тошкент об-ластида ҳаво бироз буауланган ту-рари, ёғингарчилик бўлмади. Тош-кентда 30 — 32, областда эса 29 — 34 даража иссиқ бўлди.

Редактор ўринбосари: М. ҚОРИЕВ.

Тройтаниннинг меҳмонлари



ЁҚИМЛИ ҚЎШИҚЛАР ВА ШЎХ РАҚСЛАР

Ҳар бир халқ ўз санъати тараққиёти учун тинмай курашади. Кўна албан халқи ҳам узок асрлардан бери ёқимли куй, жозибадор рақс, мазмунли қўшиқлар яратиб келмоқда. Бу халқ ўзининг қувноқ рақслари, юмо-ристик лапарлари, дилрабо қўшиқлари билан дунёда машҳур. Кўни кеча республикамиз пойтахтидаги Свердлов номи концерт залига гастроль тамошаларини бошлаган Албания Халқ Республикаси санъаткорларининг концерт программаси шундан далолат беради.

Санъаткор меҳмонларнинг дярлик ҳаммаси Тирана шаҳридаги давлат опера ва балет театрининг солистлари ҳисоблансада, улар концерт номер-ларини фақат театр репертуаридаги асарлар билан чеклаб қўймай, халқ орасида кенг тарқалган қўшиқ ва лапарлар билан ҳам бонитганлар.

Тамошабинлар давлат мукофоти лауреати Мария Крайянинг ижрочилик маҳоратини юксак баҳоладилар. Композитор Шубертнинг «Серенада»си артистка иросида жуза нафис бажарилади. У «Қаерга?» деган ҳазил қў-шиқни ҳам жуза берилиб ижро этган. Бу қўшиқ анча мураккаб, Унда оҳанг ритми, воқеа йўналиши ижроидан фақат хушовоқинини талаб қил-дигина қолмай, айни вақтда ифодали ҳаракатлар билан кўшиқда тасвир-ланаётган воқеани очиб бериш маҳоратини талаб этади. Мария Края ана шу талабни жуза ўринди бажарили. Артистка «Тонг соқини» арийси, «Ба-ҳорда» ва «Туртгелуш» қўшиқларини ижро этганда ҳам залда қарсақлар янгради.

Джони Атанас Москва давлат консерваториясида ўқиб, қўшиқчилик санъатини чуқур ағдалган. «Айтсанг ҳам, айтмасанг ҳам...» деган қўшиқ-ни у эр маҳорат билан ижро этади. Бу қўшиқ халқ қалби, унинг гузаллиги тўғрисидаги асрий орузларини дилрабо оҳанг воситасида тараннум этади. Атанас ижро этган ария ва романсларда қаҳрамонларнинг ички ҳис-туғу-лари, орузумидларини усталик билан очиб бериш маҳорати сезилиб ту-ради.

Концертда солистлардан Г. Вендерша, П. Ворпс, С. Жиулар балет асарларидан адажно ва айрим картиналарни ижро этиб тамошабинлар ол-қиниға сазовор бўдилар.

Албан халқининг сеvimли қўшиқлари солист Люка Качай ижросида ёқимли жаранглайди. У рус халқи қўшиқларини шундай жозибали ижро этадики, маҳоратига тахсин ўқимай илож йўқ.

Ўзбекистон бўйлаб гастроль тамошалари кўрсатаётган албан санъат-корлари республикамиз меҳнатнашлари ҳурматига сазовор бўлаётдилар. Улар пойтахт тамошабинларини хурсанд қилганан сўнг, республикамиз областлари бўйлаб сафарга чиқиб кетдилар. Санъаткорларнинг рес-публикамизга меҳмон бўлиб келишлари албан ва совет халқлари ўртаси-да мустаҳкамланиб бораётган дўстлик ва маданий алоқаларнинг ёрқин намоишидир.

А. АЛИЕВ.